

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

Фарғона — Шанло:

Дўстлик ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ энг йирик ташқи ҳамкори бўлиб, бу давлат капитали иштирокида бугунги кунда Ўзбекистонда 3300 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Шу жумладан, фарғона вилоятида хитой компаниялари ва тадбиркорлари билан биргаликда йирик саноат, қурилиш, тўқимачилик корхоналари, кичик бизнес субъектлари ташкил этилган, ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги лойиҳаларни ривожлантириш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.



Шу ҳафтада вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитой коммунистик партияси Шанло шаҳар кўмитаси раиси Чжао Цзин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Дўстона, самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклик изчил ривожланиётганини таъкидлар экан, ҳудудлараро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигини қайд этди. Ўзаро таширлар, инвестициявий ва саноат лойиҳалари орқали ҳамкорлик янги мазмун касб этиб, улкан имкониятлар эшигини очиб берганини айтиб ўтди.

— Хитойлик тадбиркорларнинг Фарғонада эркин фаолият юритишлари учун барча қўлай шарт-шароитлар яратиб берамиз. Биз ҳар бир инвесторга қўмақдошимиз, — деди вилоят ҳокими.

Чжао Цзин Шэньси провинциясининг Шанло шаҳри инвесторлари Ўзбекистонга инвестиция қилишга қизиқиш билдираётгани ва кўплаб йўналишларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши мумкинлигини маълум қилди. Учрашувда Фарғона ва Шанло шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди. (Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).

Тест синовлари бўлиб ўтмоқда

ВИЛОЯТИМИЗДА ҲАМ 14 ИЮЛДАН ОЛИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИМТИҲОНЛАР БОШЛАНДИ.

ЖАРАЁН



Шу кунларда Фарғона шаҳрининг "Янги Ўзбекистон" массивидаги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вилоят бўлими, Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази, Фарғона вилояти футбол ассоциациясига қарашли футбол маркази, Фарғона давлат университети ва Фарғона давлат техника университети спорт мажмуалари ҳамда Сўх туманидаги 2-сонли спорт мактабида тест синовлари ўтказилмоқда. — Бу йил 66 минг нафардан зиёд абитуриент тест синовларида иштирок этади. 23 июлга қадар икки сменада давом этадиган имтиҳонларнинг ҳар бир сменасида 3800 дан ортиқ билимга чанқоқ йигит-қизлар қатнашиши кўзда тутилган, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазир-

лиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вилоят бўлими бошлиғи Исмоилхон Шокиров. — Хорижий тиллар ва умумтаълим фанларини билиш даражасини белгилловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлган абитуриентларга фан бўйича максимал балл берилади. Тест жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида биноларда махсус камералар ўрнатилган ҳамда назоратчилар кузатуви йўлга қўйилган. Абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинлари учун ҳудудларда шароитлар муҳайё қилинган, катта мониторлар ўрнатилган. Шунингдек, онлайн трансляция қилинаётган жараёнларни test2025.uz сайти орқали ҳам қўриб бориш мумкин. — Ҳаяжонданан, ўғлим мактабни аъло баҳоларга тамомлади, бугунги синовлардан муваффақиятли ўтиб, келгусида юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишига ишонаман, — дейди Бувайда туманилик Зарифбой Отажонов.

Ўз муҳбиримиз.



Аччиқ, аммо очик гаплар

СўНГГИ йилларда мамлакатимизда "ОБОД МАҲАЛЛА" ВА "ОБОД ҚИШЛОҚ" КАБИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ЖОЙЛАРДА, ҲАТТО ЭНГ ОЛИС ҚИШЛОҚ-МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИЖТимоий СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ, ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ, МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИДА ҚУРИЛИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ, АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ ҚЎЛЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Аммо бу ислохотлар қоғозда мукаммал кўрингани билан, баъзи ободонлаштириш ва инфратузилма лойиҳалари бўйича белгиланган ишлар тўлиқ бажарилмагани, назоратнинг етарли эмаслиги, сифатсиз ижро ва лойиҳалашдаги камчиликлар туфайли муаммолар кузатилмоқда.

Фарғона шаҳрининг "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дас-



турларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида аҳолини анчадан буюн қийнаб келаётган масалалар ижобий ечим топди. Жумладан, тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди, оқова сув тизими барпо этилди, асосий серкатнов йўлнинг 4,5 километр қисмига янгитдан асфальт қопламаси ётқизилди. Бундан, албатта, аҳоли мамнун бўлди. Бирок...

(Давоми 3-бетда).

ПАХТАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛ МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИБ, ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАСАЛАСИДА ТЕГИШЛИ ТОПШИРИҚЛАР БЕРДИ, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ. УНИНГ ИЖРОСИ ТУФАЙЛИ ПАХТАНИ БАРВАҚТ ЙИҒИБ ОЛИБ, ЎРНИГА ЗАРУР ЗИРОАТНИ ЭКИШ ИМКОНИ ПАЙДО БЎЛАДИ. ФЕРМЕР ХАРАЖАТИ КАМАЙИБ, ДАРОМАДИ ОШАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ҚЎЛ КУЧИГА ЭҲТИЁЖ КЕСКИН ҚИСҚАРАДИ.

— Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йилда "Fergana swan cotton industrial machinery" заводи ташкил бўлди. Ўтган йили 50 дан ортиқ пахта териш машиналари етказиб берилди, — дейди "O'zagrolizing" Фарғона вилояти филиали директори Ғофуржон Матҳолиқов. — Жорий йилда эса мазкур компания томони-

дан яна 300 та терим машиналари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш режалаштирилган. Бундан 160 таси Фарғона вилояти учун. Ҳозирда фермерлар билан шартномалар тузилиб, аванс маблағлари шакллантирилган. Айни кунларда 160 нафар механизатор гуруҳларга бўлиниб ўқитилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

"Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси газетхонларга янада мазмунли маънавий озиқ улашиш мақсадида янги ғоя ва лойиҳалар устида изланишлар олиб бормоқда. Мақолаларни мазмунан бойитиш, янги рухлар ташкил этиш, ўзига хос дидан яратиб асосий мақсадимиздир.



"Фарғона ҳақиқати" газетасини ўқийсиз ва кўрасиз!

Тахририят жорий йилдан бошлаб мамлакатимизнинг, шу жумладан, Фарғона вилоятининг муҳим сиёсий воқеалари, дунё янгиликлари, Ўзбекистон тарихи ва бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига боғлиқ жараёнлар, шунингдек, буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари, шу куннинг қаҳрамонларига оид мақолалар, танқиди ёзувчи ва шоирларнинг асарлари, эл сўйган санъаткорларнинг халқ қалбидан ўрин олган қўшиқларини QR КОД шаклида чоп этиб бормоқда.

Сиз газета саҳифасида берилган QR КОДни мобил телефонингизга "юклаб олиб", воқеликлар, жараёнлар, мақолалар, асарлар, тадбирларнинг фото ёки видео кўриниши билан танишиш имконига эга сиз.

"Фарғона ҳақиқати" газетаси материаллари QR КОДни эътибордан четда қолдирманг, бир маънавий озиқангиз икки ҳиссага ортади.

Сизнинг хизматингиздаги "Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси.

Yoshlar SAHIFASI

MARG'ILONLIK
SAIDAHMADXON MAHMUDOV
IQTISODIYOTIMIZNI BARQAROR
YUKSALTIRISH, YURTIMIZDA
ISHBILARMONLIK MUHITINI
YANADA YAXSHILASH, ISHLAB CHIQARISH
VA EKSPORT SALOHİYATINI OSHIRISH
BORASIDAGI SAMARALI FAOLIYATI ORTIDAN
YUKSAK MARRALARNI ZABT ETMOQDA.

E'tirof

SAIDAHMADXON – KELAJAK BUNYODKORLARIDAN BIRI



Uning biznes yuritishga bo'lgan ishtiyoqi o'quvchilik paytlarida boshlangan. Boshlang'ich sinfda o'qiyotganida otasi kundalik xarajatlari uchun bergan pulning bir qismini jamg'arib borardi. Keyinchalik tadbirkor sifatida shakllanishi, oyoqqa turishida o'z ustida tinmay ishlashi va bolalikdagi

izlanishlarining ta'siri katta bo'ldi.

Mamlakatimizda tadbirkorlarga keng yo'llar ochib berilishi, qolaversa, davlat rahbarining o'z biznesini yuritishga intilgan yoshlarni qo'llab-quvvatlashi Saidahmadxonning tadbirkor sifatida faoliyat boshlashiga turtki bo'ldi.

2023-yilda asos solingan "Textile group and gold" xususiy korxonasi tez orada viloyat to'qimachilik sanoati taraqqiyotida alohida o'rin egalladi. Korxonada 200 nafar ishchilar tomonidan paxta matosidan trikotaj kiyim-kechaklar tikiladi. Yillik ishlab chiqarish hajmi bir million dona mahsulotni tashkil qilmoqda.

Mahsulotlar jahon standartlariga mos ravishda ishlab chiqarilishiga qat'iy rioya qilinadi. Bu jihat korxonaning dunyo bozorida yetakchi davlatlar biznes vakillari e'tiboriga tushishiga zamin yaratdi. Xususan, Rossiya Federatsiyasi va Kanada korxonaning asosiy eksportyoriga aylandi. O'tgan yilda 1 million AQSH dollarilik, joriy yilning iyun oyiga qadar esa 600 million dollarlik mahsulotlar eksporti amalga oshirildi. Yil so'ngiga qadar bu ko'rsatkichni 2 million AQSH dollariga yetkazish ko'zda tutilgan.

Ishchilarning daromadi ham yomon emas. Kam

ta'minlangan, ijtimoiy himoyaga muhtojlarni moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratiladi.

"Textile group and gold" xususiy korxonasi faoliyatini kengaytirish uchun Marg'ilon shahridagi "Navro'z" yoshlar kichik sanoat zonasidan 50 sotix yer ajratildi. Bu hududda ko'zlangan loyiha amalga oshirilsa, qo'shimcha 300 ta ishchi o'rni yaratiladi.

Yosh tadbirkorning yuksak azmu shijoati, ijodiy va intellektual salohiyati, halol va samarali mehnati inobatga olinib, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 28-iyuldagi Farmoniga ko'ra, u "Kelajak bunyodkori" medali bilan mukofotlandi.

Mamlakatimizda yosh avlodni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning davlat va jamiyat hayotidagi faolligini oshirish maqsadida yetarli shart-sharoitlar yaratilmoqda. Vaqtini g'animat bilib, ulardan oqilona foydalanayotgan yoshlar doimo davlatimizning e'tibor va rag'batida yanada yuqori cho'qqilarni egallashmoqda. Shulardan biri sifatida yurtimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo'shayotganidan mamnunman, – deydi Saidahmadxon Mahmudov.

Muattar MAHMUDOVA.

Shifoning kaliti – XUSHMUOMALALIKDA

ZARIFJON VA NIGORAXON
12 YIL FARZAND UMIDI BILAN
YASHASHDI. ULARGA FARZAND
ASRAB OLISH YOKI YANGI
TURMUSH QURISH HAQIDA
MASLAHAT BERGANLAR HAM
BO'LDI. AMMO YOSH OILA
YAXSHI NIYATDA UROLOG-
ANDROLOG BAXTIYORJON
VOSIJONOV QABULIGA
KELISHDI, UNING MASLAHATI
VA TASHXISI ASOSIDA
DAVOLANISHDI. BUGUN
ESA ULARNING SHIRINGINA
QIZALOQLARI BOR.



Baxtiyorjon yaxshi eslaydi, yoshlik chog'ida qishloqlarida shifokorlar yetishmas, aholi bir necha kilometr yo'l bosib, tuman markaziga borishga majbur bo'lardi. U Oltiariq tumanidagi 11-umumta'lim maktabida o'qib yurganida tibbiyot xodimi bo'lishdek mas'uliyatli kasbni tanladi. Shu niyatda Toshkent tibbiyot akademiasini davolash ishi yo'nalishi bo'yicha tamomladi. Dastlabki ish faoliyati davrida urologiya va andrologiyaga qiziqishi ortdi. Tajribali shifokorlar, professor Shuhrat G'iyasov va Abduqodir Fozilov yosh mutaxassisni qo'llab-quvvatladilar.

Baxtiyorjon 2023-yilda urologiya mutaxassisligi bo'yicha magistraturani tamomladi. So'ngra Respublika ixtisoslashtirilgan urologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Farg'ona filialida shifokor urolog-androlog sifatida ish boshladi. Unga ko'p yillik tajribaga ega shifokorlar Davlatjon Abdullayev va Bobur Hayitmatov ustozlik qilishmoqda.

Farzand oila quvonchi, mustahkam turmush asosidir. Ammo ayrim holatlarda bepustlik ko'plab oilalarning darz

ketishiga sabab bo'lmoqda. Shunday holatlarda shifokordan najot izlab keladigan insonlarga sifatli tibbiy xizmat ko'rsatish, yaxshi kunlarga umid uyg'otish shifokordan bilim, mahorat, mas'uliyat talab etadi.

Bemorlarga xushmuomalada bo'lish, to'g'ri tashxis birinchi davodir, – deydi Baxtiyorjon. – Sog'lom turmush tarzi, muntazam jismoniy tarbiya sog'limgiz omili. Sohaga doir adabiyotlarni, maqolalarni ko'p o'qiyman. Zamonaviy tibbiyot yangiliklaridan xabardor bo'lish uchun har kuni elektron resurslarga murojaat qilaman.

Baxtiyorjon Vosijonovdan davo topgan, o'g'illi-qizli bo'lgan oilalarning quvonchi, minnatdorchilikka to'la shukronalari unga kuch-quvvat, kelajakka ishonch baxsh etadi.

– Biz Yangi O'zbekistonda inson qadri va manfaatlarini ta'minlashni o'z oldimizga ezuq maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, bu yo'lida xalqimiz salomatligini mustahkamlash eng muhim vazifamiz bo'lib qolaveradi, – deydi yosh shifokor.

M. USMONALIYEVA.

Munosabat

KUCH-G'AYRATIMNI YURTIMIZ RIVOJIGA SARF ETAMAN

2022-YILDA TOSHLOQ TUMANIDAGI "TOG'LIQ" MAHALLA FUQAROLAR YIG'INI YOSHLAR YETAKCHISI SIFATIDA ISH BOSHLEDIM. XIZMAT VAZIFAMGA KO'RA, DASTLAB UYMA-UY YURIB, YOSH YIGIT-QIZLAR BILAN TANISHDIM, ULARNING QIZIQISHI, KELGUSI REJALARI HAQIDA SUHBATLASHDIM. SO'NGRA ASOSIY ISH FAOLIYATIMNI OLIB BORDIM.



Biz mahalladagi tengdoshlarim bilan birgalashib, sport, "Zakovat" intellektual o'yinlari, "Besh muhim tashabbus" doirasidagi tadbirlarni tashkilladik. Kitobxonlikni targ'ib etish maqsadida tuman kutubxonasi bilan hamkorlikda "Sen kitobga bormasang, kitob sen uchun keladi" shiori ostidagi loyihani amalga oshirdik. Shaxsiy avtomobilimda ko'chma kutubxona tashkillab, mahalladagi yosh kitobsevarlarga o'zlari xohlagan adabiyotlarni yetkazib berdim, natijada kitob o'quvchilari soni orta boshladi.

Yoshlar kuni munosabati bilan davlatimiz rahbari har jabhada faol bo'lgan kelajagimiz vorislari bilan uchrashdi. Ochiq muloqotda yetakchilar faoliyatiga

aloqida to'xtalib o'tdilar. "Yoshlarning tilini yoshlar tushunadi, ular bir-biridan o'rnak oladi, bir-biriga motivatsiya beradi. Shu bois, 9 mingdan ziyod mahallada yoshlar yetakchilarini tayinladik. Ular uch yil davomida ko'p narsani o'rgandi, yetarli tajriba ortirdi" deya e'tirof etdi Yurtboshimiz.

Prezident ta'kidlagan "Yoshlar daf-tari" – imkoniyatlar daftarini sifatida kelajagimiz egalarining barcha xohish-istaklarini qo'llamoqda. Unga asosan, mahalladagi 16 nafar ishsiz yoshlarning bandligini ta'minlash maqsadida subsidiya asosida mehnat qurollari olib berildi. 18 nafarining ta'lim shartnoma to'lovlari to'landi. Sog'lig'ida muammo bo'lgan 7 nafar yoshlarning davolanish xarajatlari, 4 nafarining safarbarlik cha-

qiruvi rezervi to'lovlari qoplab berildi. Tadbirkorlik qilish istagidagi 28 nafar yigit-qizlarga imtiyozli kredit ajratilib, dastlabki faoliyatini yo'lga qo'yishlariga tavsiya berildi. Ishsiz hamda xorijda ishlab qaytgan 120 nafardan ziyod yosh mahalladoshlarga dehqon xo'jaligini yuritish uchun yer maydonlari ajratildi va boshqa yo'nalishlarda yordam ko'rsatildi.

Kuni kecha tumanimizda viloyatda yagona bo'lgan zamonaviy "IT shaharchasi" foydalanishiga topshirilgan esa ana shu ezuq maqsadlar yo'lidagi yana bir qadam bo'ldi. Shu markazga mahallamizdan ikki nafar maktab bitiruvchilarini ishga joyladik. Ko'plab o'quvchilarni chet tillarini o'rganishi hamda zamonaviy kasblarni egallashi uchun markazga yo'naltirdik.

Qisqa muddatli faoliyatim munosib baholana boshladi. 2022-yilda "Eng namunali yoshlar yetakchisi" tanlovining viloyat bosqichida g'olib bo'ldim. Respublikada "Eng faol yetakchi" nominatsiyasini qo'lga kiritdim. 2024-yilda Yoshlar ishlari agentligi tomonidan mahallalarda yuqori natijadorlikka erishayotgan eng ilg'or yetakchilar yuztaligidan joy oldim.

Mahallada yoshlar bilan ishlash menga faxr va g'urur bag'ishlaydi. To'g'ri, mas'uliyati og'ir, har bir yosh qalbiga kirib borishning o'zi bo'lmaydi. Ammo Yurtboshimiz, xalqimiz ishonchi bizga dalda bo'lib, yangi-yangi loyihalarga qo'l urishga undamoqda.

Azizbek MUHAMMADOV,
Toshloq tumani,
"Tog'liq" mahalla fuqarolar
yig'ini yoshlar yetakchisi.



"Green Check" – MANFAATLI LOYIHA

SUN'IY INTELLEKT, BU – ILMIY FANTASTIK KINO EMAS, ASLIDA U ALLAQAQACHON KENG KO'LAMDA HAYOTIMIZGA KIRIB KELGAN ZAMONAVIY TEXNOLOGIYA. DEYLIK, AQLLI ELEKTR ENERGIYA YETKAZIB BERISH TIZIMLARIDA HAM SUN'IY INTELLEKT QO'LLANILADI. IJTIMOIY TARMOQLARDA MA'LUM INTEGRATSIYA ASOSIDA ALGORITM BILAN TAVSIYA ETISH FUNKSIYASI HAM SUN'IY INTELLEKT ASOSIDA BO'LADI. BU YO'NALISH MENI QIZIQITIRGANI BOIS, ILMIY IZLANISHLARIMDA SHU SOHAGA MUROJAAT ETISHNI MA'QUL TOPGANMAN.

Farg'ona davlat universiteti "Amaliy matematika va informatika" kafedrasini mudiri, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) Quvvatli Rahimov ilmiy rahbarligida meva-sabzavotlar barglari tasviri orqali ularning kasalliklarini aniqlovchi sun'iy intellekt dasturi ustida izlanishlar olib boryapman. "Green Check" nomi bilan tavsiya etilayotgan dastur olma, shaftoli, uzum, pomidor, kartoshka, makkajo'xori, qulupnay va boshqa 14 turdagi o'simliklarda uchrashi mumkin bo'lgan 40 ga yaqin kasalliklarni aniqlash imkonini beradi. Loyiham bilan "Kelajak muhandislar" xalqaro festivalida ishtirok etib, tajribali mutaxassislar e'tiboriga tushdim, g'oliblar safidan o'rin oldim.

Hisob-kitoblarga ko'ra, har yili 20-30 foiz o'simliklarga va meva-sabzavotlar turli kasalliklar tufayli nobud bo'ladi. Agar "Green Check" texnologiyasi yordamida yo'qotiladigan ko'chatlar va hosilning 10-20 foizini asrab qolsak, bu nafaqat ichki bozorimizni meva-cheva va poliz mahsulotlari bilan to'ldiradi, balki eksport hajmining oshishi va yuqori daromad olish imkonini ham yaratadi.

Yurtboshimiz Yoshlar kuni munosabati bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda sohalarida sun'iy intellektni rivojlantirishga qaratilgan 100 loyihani amalga oshirish bo'yicha qator vazifalarni belgilab berdi. Shuningdek, "Bir million sun'iy intellekt yetakchilari" dasturining ishga tushirilayotgani, shu yilning o'zi-da "AI study" platformasi orqali kami-

da 100 ming yoshlar sun'iy intellekt texnologiyalarini o'rganishi, bu yo'nalishda raqobatbardosh va yuqori malakali mutaxassislarimiz yanada ko'payishini ta'kidladi.

Men bunday qo'llab-quvvatlovdan juda ruhlandim. Ayni paytda sun'iy intellekt yordamida paxta va bug'doy ekinlari kasalliklarini aniqlash funksiyasi ustida ham izlanishlar olib boryapman. Samarali loyihalarni ishlab chiqib, amaliyotga joriy etish orqali mamlakatimizning raqamli taraqqiyotiga o'z hissamni qo'shmoqchiman.

A'zamjon NAZIROV,
Farg'ona davlat universiteti
fizika-matematika fakulteti
kompyuter ilmlari va dasturlash
texnologiyalari yo'nalishi talabasi.

Karam ekib, mo'l hosil oldim

O'TGAN YILI ISHSIZ, DOIMIY DAROMADGA EGA BO'LMAGAN YOSHLARGA DEHQONCHILIK, TADBIRKORLIK UCHUN YER BERILAYOTGANI HAQIDA ESHTIB, "SOY BO'YI" MAHALLA FUQAROLAR YIG'INI YOSHLAR YETAKCHISI DAVRON MAMAJONOVGA MUROJAT QILDIM. MAHALLAMIZDAGI 31 NAFAR YOSHLAR QATORI MENGA HAM 15 SOTIX YER AJRATILDI.

Bundan juda quvondim, yeng shimarib ishga kirishdim. Dastlab yerga loviya, mosh, bir qismiga karam ekdim. Mineral o'g'itlarga, texnikaga qiyalgudek bo'ssak, yana yoshlar yetakchisi yordam qo'lini cho'zdi. Hosilimiz barakali bo'ldi. Bu yil mavjud mavdoga karam ko'chati ekdim, mana birinchi hosilini yig'ib, bozorda sotib ham bo'ldik. Endi karamning kechki navini ekdik, kech kuzakda yana xalqimiz dasturxoniga tufha etamiz. Davlatimiz tomonidan biz yoshlarga ko'rsatilayotgan g'amxo'rlik hayotimga



Jumagul TOJIBOYEVA,
Uchko'prik tumani.

Sahifani "Farg'ona haqiqati" gazetasi maxsus muxbiri Mahiyora BOYBOBOYEVA tayyorladi.

Chin do'stim – onam

Yomg'ir tomchilari yuvar yuzimni, Yovning kulgusiga yurdim ko'zimni, Nahot, taniyapman o'zim-o'zimni, Chin do'stim, davlatim, onam bo'larkan.

Dugonam deganing g'ashlasa diling, Qorong'u zulmatga boshlasa yo'ling. Bir so'zga ojiz, jim qotsa tiling, Chin do'stim, davlatim, onang bo'larkan.

Sochimdanda oshig'im ko'p dema o'rtoq, Boshga mushkul tushsa ular-da tarqoq.

Qalbini to'ldirib alam va titroq, Chin do'sting, davlatim, onang bo'larkan.

Hayot yo'llarimga mayo'g'im bordir, Har qadami sabr, gulbog'im bordir, Mening jim aytarim, dilzorim bordir, Chin do'stim, davlatim, onam bo'larkan. Onam bo'larkan.

Parizoda SOLIJONOVA,
Farg'ona tumani.





(Бошланиши 1-бетда).

Хурсандчиликлар узокқа чўзилмади. Чунки янги асфальт йўлининг ҳали у-хали бу жойи ёрилиб, тоза ичимлик суви оқиб чиқа бошлади. Сувнинг ер остидан сизиши эса йўлнинг чўкишига олиб келди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ва аҳолининг мурожаати билан авария ҳолатлари дахлдор ташкилотлар томонидан ўз вақтида бўлмаса-да, бартараф этиляпти, бироқ кўп ўтмай бошқа жойдан сув чиқиши сабаб, асфальт йўлининг чўкиши юзага келмоқда. Натижаси шуки, янгиланган маҳаллий йўлга кўп "ямок" тушиди, ҳали ҳам ўйдим-чўкур жойлар борки, бу оқариқликларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

— Худудимизда аввалдан йўл муаммоси бор эди. "Обод маҳалла" дастури доирасида, ҳатто ички йўллар текисланди ва асфальт ётқизилди. Катта кўчамизда эса "Фаргона меъмор курилиш" МЧЖ томонидан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳақиқатан ҳам йўллар аввалгидан яхши ҳолатга келди, аммо бир ой ўтмасдан Оқариқ кўчасининг бошланиши ва анҳор яқинида ер остидан сув чиқиб кетди, натижада йўлнинг кўп жойи чўка бошлади. Мутахассисларни чақиртирдик, шаҳар ҳокимлиги ва йўл курилиши бўйича тегишли ташкилотлар масъулларига мурожаат қилдик. Улар янги асфальтланган йўлни кавлаб, тешилган кувурларни ямашди, аммо бири тўғриланса, бошқа жойда янги носозликлар келиб чиқяпти. Мутахассислар буни ҳали ҳам ер остида эски кувурлар мавжудлиги ва улар аллақачон маънан эскиргани билан изоҳлашмоқда. Авария ҳолатлари бўйича аҳоли жим турмаяпти, мен ҳам ваколатим доирасида тегишли идораларга мурожаат қиялпман, лекин ҳолат ўша-ўша, — дейди "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ирода Алимова.

Биз айнан ер остидан сув сизиб чиқаётган жойдаги аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашдик.

— Янги тоза ичимлик суви кувури, канализация, асфальт ётқизилди, бироқ хўжакўрсинга иш бажарилгани аён бўлди. Полиэтилен кувурлар ости ва усти талаб бўйича ҳимояланмай кўмилди, яъни кўм ёки юмшоқ тупроқ ташланмади,

тош-шағал суриб юборилди, устидан асфальт қилинди. Оғир юк машиналари ўтганидан сўнг қирралар тошлар кувурларни шикастлаган бўлса керакки, сув чиқиб кетяпти. Шу ерни уч марта таъмирлашди, лекин мана яна сув оқиб ётибди. Бунинг натижасида асфальт чўкапти, халқнинг ишончи ҳам... — дейди оқариқлик Камолжон Мўминов.

Муаммонинг ечимини излар эканмиз, "Фаргона сув таъминот" АЖ Фаргона шаҳар филиали билан боғландик. Муассаса раҳбари Санжарбек Абдулалиев Оқариқдаги авариянинг содир бўлишини сув тизимидаги юқори босим ва эски кувурларнинг ёрилиб кетаётгани билан изоҳлади. Янги сув кувурларини ётқизиш бўйича курилиш ишлари уларга тааллуқли эмаслигини маълум қилди. Аммо

лат назорати амалга оширилишини таъминлаш тегишли мутасаддилар зиммасига юклатилган.

Қарор иловасида 5 250 нафар фуқаролар яшайдиган "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида дастур бўйича амалга ошириладиган курилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари учун талаб этиладиган маблағ сифатида 9 731 миллион сўм молиялаштирилиши қайд этилган. Унинг 6 790 миллион сўми республика маблағлари, 1 767 миллион сўми маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари, 549 миллион сўм тармоқ корхоналар, шунингдек, ташаббускор тадбиркорлар, аҳоли, ҳомийлар, хайрия маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Ўрганишларимиз жараёнида кўзга ташланган ҳолатлар ва аҳоли вакиллари фикрларидан хулоса қилдикки, "Оқариқ" маҳалла



уни фойдаланишга қабул қилиш бўйича саволларимизга тегишли жавоб ололмадик.

— Кўчамизда машиналар серкатнов. Бу йўлларни яхши билмаган ҳайдовчи тез-тез пайдо бўлиб турган чўкурларга тушиб кетиши, натижада бахтсиз ҳодиса рўй бериши тайин. Мана кузатинг, ўнг томондан келаётган машина шу сизиб чиқаётган сувдан кейин вужудга келган чўкурликдан қочиб, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтйпти. Бундай ҳолатда авария бўлмайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бирор қор ҳол бўлгандан кейин пушаймон қилгандан кўра, унинг олдини олган афзал, — дейди маҳалла фаолларидан бири Анваржон Қудратов.

Яна бир маҳалла жонқуяри Мўйдинжон Бадалбоев ер тагидан сизиб чиқаётган тоза ичимлик суви беҳуда исроф бўлаётганини изоҳлар экан, сувчиларнинг қўлбола усулдаги "ямок"лари билан авария ҳолатини бартараф этиб бўлмаётганини айтиб ўтди.

Юқорида таъкидланган қарорда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида объектларда амалга ошириладиган курилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши ва курилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан тизимли дав-

фуқаролар йиғинида дастур бўйича айрим ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилмаган. Биз давлат экспертизаси хулосаси бўйича ишончли маълумот ололмадик.

— Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Ҳозирги кўнга келиб, пайдо бўлаётган муаммолар юзасидан аҳолининг эътирозлари асосли. Биз уларни пухта ўрганиб, тўлиқ ҳал этишга ҳаракат қиламиз, — дейди "Фаргона меъмор курилиш" МЧЖ вакили Дийрбек Юлдашев.

Айтиш жоизки, аҳоли ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида тўғри ва очиқ мулоқот йўлга қўйилмаса, бундай камчиликларнинг давом этиш эҳтимоли юқори. Шу боис, тегишли масъул ташкилотлар лойиҳаларнинг ҳар бир босқичини кенг жамоатчиликка очиклаши лозим. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ташкилий тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари бундай лойиҳаларнинг амалий ижросини доимий кузатиб бориб, юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилганина, ҳар бир ислоҳот, энг аввало, юртдошларимиз турмушини яхшилашга хизмат қилади.

Муаттар МАХМУДОВА.

ТАҲРИРИЯТДАН: газета саҳифаланаётган вақтда "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ирода Алимова таҳририятга қўнғорқ қилиб, катта кўчани кесиб ўтган анҳор яқинидаги тоза ичимлик суви кувурининг авария ҳолати "Фаргона сув таъминот" АЖ Фаргона шаҳар филиали ходимлари томонидан бартараф этилгани, ер остидан сув сизиб чиқиши натижасида пайдо бўлган ўйдим-чўкур йўллар асфальтланганини маълум қилди. Таҳририят мавзуга яна қайтади.

ПАХТАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳа, 2024 йилда вилоят пахта далаларида хизмат қилган терим машиналари билан 12 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили териб олинди. Бу йил ҳам "Fergana swan cotton industrial machinery" компанияси томонидан Фаргона вилоятига кетма-кет терим машиналари келтирилмоқда.

— 40 гектар пахта майдонимиз бор. Ўтган йили ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. 160 га яқин теримчини жалб қилган эдик, — дейди "Неъматжон ҳожи УХУ" фермер хўжалиги раҳбари Фийсиддин Неъматов. — Бу йил эса терим машинаси сотиб олдик. Мақсадимиз ҳосилни машиналарда тез териб олиб, ерни ҳайдаб, дон экишдир.

Фермерлар терим машиналарини сотиб олиши учун қулай шароитлар жорий этилган.

— Президентимиздан миннатдоримиз. Янги қарор фермерлар учун қулайликлар яратди. Терим машинасини 3,6 миллиард сўмга сотиб олсак, унинг 12 фоиз қўшимча қиймат солиғи ва нарҳининг 15 фоизи микдорида, жами 27 фоиз

маблағ фермерга қайтариб бериляпти, — дейди фермер.

Шу кунларда пахта териш машиналарини сотиб олган фермер хўжаликларининг механик-ҳайдовчилари учун ўқув машғулоти ташкил этилган. Хитойлик мутахассислар агрегатни бошқариш билан боғлиқ барча билимларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўргатмоқда.

Яна бир қулайлик шундаки, пахта териш машиналари ҳамisha назоратда бўлиб, уларга техник хизмат кўрсатиб борилади.

— Агролизинг ва "Fergana swan cotton industrial machinery" корхоналари ўртасида тузилган шартномага кўра, сотиб олинган пахта териш машиналарига сервис хизмати кўрсатилади. Бунинг учун 24 соат ишлайдиган Call center ташкил этилган, — дейди Ғофуржон Матҳолиқов. — Қолаверса, Хитойдан 60 нафар мутахассислар жалб этилган.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Обунада ўзгариш — НАТИЖАГА БОҒЛИҚ

■ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ЖУМЛАДАН, БОСМА НАШРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. АММО, ҲОЗИР ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРИНГ ОБУНАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР МАВЖУДЛИГИНИ ҲАММА БИЛАДИ.

Обуна пулларининг кечикиши, почта ва етказиб берувчи тизимлар фаолиятидаги камчиликлар, аҳоли ўртасида газета ва журналларга обуна ташкил этиш тарғиботининг етарли даражада эмаслиги, ихтиёрий-мажбурий обуна тушунчасига аниқ изоҳ берилмагани — нашрларнинг ададига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2026 йил учун газета ва журналларга обуна уюштириш мавсумига яқин қолди. Ҳадемай, таҳририят ходимлари обуна ташвишида зир югуришади.

Обуна тўллашни муваффақиятли амалга ошириш, босма нашрлар ададини кўпайтириш мақсадида айрим тақлифларимни билдирмокчиман. Жумладан, почта ва етказиб берувчи тизимларни ислоҳ қилиш ва ихтиёрий-мажбурий обуна тушунчасини изоҳлаш, газета-журнал обунаси тарғиботини



нафақат корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида, балки аҳоли орасида ҳам қучайтириш керак. Муассислар обуна масаласида мониторинг олиб бориб, аниқ вазиятни таҳлил қилиши лозим. Шунингдек, обунада қарздорликка барҳам бериш, насияга обуна қилмаслик, шартнома орқали ка-

фолатли тўловни таъминлаш лозим.

Обуна — шунчаки қоғоз тарқатиш эмас. У миллат маънавиятининг кўзгусидир. Бир сўз билан айтганда, босма нашрлар обунасида ўзгариш — натижага боғлиқ.

Маъруфа СОЛИЕВА.

Хитойга ўрик экспорти АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

■ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТГА ТАЙЁРЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН "UZ-SEGANG" МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИЙЛИГА 16 МИНГ ТОННА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ҚЎВВАТИГА ЭГА. БУ ЕРДА 3000 ТОННА ҲАЖМЛИ МУЗЛАТТИЧЛАР ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ИТАЛИЯ, ТУРКИЯ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХИТОЙДАН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕЛТИРИБ ЎРНАТИЛГАН. КОРХОНАДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 2000 ТОННА ГИЛОС, ЎРИК, ШАФТОЛИ МЕВАЛАРИ САРАЛАБ, ҚАДОҚЛАНИБ ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ. ҲОЗИРДА БУ ЕРДА ЎРИК МЕВАСИНИ ХИТОЙГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ КЕТМОҚДА.



— Корхонамиз 2018 йилда фаолият бошлаган бўлиб, илгор технологиялар ёрдамида мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш йўлга қўйилган, — дейди корейлик инвестор Сан Вон Юн. — Асосан, Корея Республикаси, Хитой, Россия ҳамда Европа давлатларига экспорт қилинаётган ўрик, гилос, анор каби мевалар илгор технологияларда сараланади, яъни махсус ускуналар ёрдамида ранги, катта-кичиклигига кўра ажратиб олинади ва қадоқланади. Айтиш мумкинки, серкўёш Ўзбекистон заминидан пишган мева-сабзавотлар хорижда ҳам харидоригр бўлмоқда.

Вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан жаҳон бозорларига экспорт қилаётган корхоналарда фитосанитария назорати ишлари олиб боришмоқда. Маҳсулотларни экспортга тайёрлаш жараёнида сайёр мобил лабораторияда мевалардан намуналар олинапти.

Корхонада фумигация ишлари учун махсус хона мавжуд. Импортёр давлатлар талабларига кўра, карантин инспекторлари томонидан халқаро стандартлар бўйича ёғоч тагликлари зарарсизлантирилмоқда.

Рустам МАМАЖОНОВ.

ФАРҒОНА ТУМАНИНИНГ ХОНҚИЗ ҚИШЛОҒИДА ЖОЙЛАШГАН "ТОНГ" БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА КҮН ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯДАН БОШЛАНАДИ. БУ ЕРДА ТАРБИЯЧИЛАР, ЕТАҚЧИЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИ ҲАМДА БОШҚА СОҲА ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗГИ ТАЪТИЛНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЗАРУРИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛГАН.

Ўқувчиларнинг ёзги таътили: "ТОНГ" да мароқли ҳордик

Мавсум бошланишидан аввал Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан оромгоҳда жиддий тайёргарлик ишлари олиб

борилганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, мавжуд бинолар жорий ва мукаммал таъмирланди, қўшимча айвонлар, майдончалар курилди, ҳудудда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, йўлақлар соз ҳолатга келтирилди, ётоқхоналар керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Болажонларнинг қўшимча билим олишлари, "Тасвирий санъат", "Моҳир қўллар", "Ракс", "Шахмат-шашка" каби тўгаракларда қизиққан соҳа-

ларини ўрганиб боришлари, китоб мутолаа қилишлари учун шароитлар яратилган. Турли қизиқарли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, соғломлаштириш тадбирлари ва кўнгил-очар дастурлар ўтказилмоқда, табиат қўйнига саёхатлар уюштириляпти.

Оромгоҳ санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, таомларнинг тайёрланиши мунтазам эътиборда. Дам олувчилар 4 маҳал тўйимли ва мазали иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Малакали тиб-

биёт ходимлари уларнинг соғликларини доимий назорат қилиб боришади, — дейди бош тарбиячи Машхура Халилова.

Бугунги кунда "Тонг" оромгоҳи навбатдаги мавсум учун болажонларни қабул қилди.

Аҳмаджон ОДИЛОВ,
заавд ахборот хизмати
мутахассиси.



Қўштепа тумани, "Саримазархумдон" МФЙ, Бахт кўчасида жойлашган "Farg'ona naslil parkanda" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фаргона шаҳар, Қомус кўчаси, 28-уйда жойлашган "Mittigina osmon" оилавий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фаргона шаҳар, Юксалиш кўчаси, 105-уйда жойлашган "Briliant Fergana" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани, "Узумчи" МФЙ, Мухтасар кўчаси, 100-уйда жойлашган "Zahro Farmosept" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Темир муҳимдорлар адабиёт, фан ва санъат ҳомийси бўлиш билан бирга, ўзлари ҳам бадиий ижод билан шуғулланганлари тарихдан маълум. Мир Алишер Навоий “Маъжolis ун-нафоис” тазкирасида Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ўғли Шохрух Мирзо ҳам шеър ёзганини эслатиб, унинг биттагина форсий байтини келтирган.

Кунлардан бир кун меъмор Қавомуддин Шохрухга зиж, яъни осмон жисмлари тасвир этилган харита чизмасини тақдим этганида, ҳукмдор шу заҳоти унга ушбу байтни тўқиб айтиб беради:

**Ту кори заминро неку сохтӣ,
Ки то осмон низ пардохтӣ.**

Таржимаси:
**Сен ер ишин яхши буткара олиб,
Қоқдинг қанот кўк юзига кўз солиб.**
Изданишлар Шохрух қаламига мансуб бошқа байтлар ҳам борлигини кўрсатди.

Заки Валидий Тўғоннинг “Буюк турк ҳукмдори Шохрух” номли мақоласида ёзишча, Туркиядаги Али Амирий кутубхонасида Низомий “Хамса”си нусхаси сақланади. Уша китоб ҳошиясида Шохрухнинг бир байти ёзилган:

**То чанд ғаму ғусса ҳўрӣ, эй дили мискан,
Хўш бош, ки “Аллоҳу роуфун 6-ибодих”.**

Таржимаси:
**Мўнча чекдинг ғам-алам, етар, эй йўқсил кўнгил,
Яхши билки, Аллоҳу роуфун би-ибодих.**
“Аллоҳу роуфун 6-ибодих” ояти “Оллоҳ ўз бандаларига шафқатлидир”, деган маънони билдиради.

Шохрух байт ортидан шуларни қўшимча қилган:
“Ли мусаввада Шохрух бинни Амир Темур Кўрагон” (Бу қоралама (байт) Амир Темурнинг ўғли Шохрухга тегишлидир).

Биз Шохрух Мирзонинг келтирилган икки байтини, Навоий тили билан айтганда, “Хар байти шох байти, ҳар байти шохнома” ўрнида кўраимиз.

Техрон шаҳридаги миллий кутубхонада “Ёдгор” тўплами бўлиб, унда Ҳофиз Абрўнинг бир тарих китоби сақланмоқда. Бу китоб даставвал Шохрух Мирзонинг шахсий кутубхонасидан ўрин олган экан. Мазкур китобнинг ўн икки имом ҳақидаги бобида бир имомнинг келиб чиқиши хусусида баҳс кетади.


Тортишув аббосий халифаси Ал-Қодир Биллоҳ ҳузурида олимлар ўртасида юз беради. Шу баҳс воқеаси тасвирланган саҳифа ҳошиясида Шохрух ўз қўли билан форс ва араб тилларида шундай изоҳ ёзиб қўйган: “Ва ғўяндки, дар он маҳзар хатта ... Муҳаммад ал-Ҳаззолий раҳимаҳуллоҳ буда аст. Катабаху ал-абд ал-фақирул ҳақир Шохрух Баҳодур”. Яъни “Уша мажлисида Муҳаммад ал-Ҳаззолий раҳимаҳуллоҳнинг ҳам қатнашганини айтибдурлар. Буни (Оллоҳнинг) фақир ва ҳақир кули Шохрух Баҳодур ёзди”.

Шохрух Мирзо 1377 йилнинг 20 августда Самарқандда туғилган бўлиб, 1447 йил 12 март куни вафот этган. У отасидан қолган давлатни ва Хуросон вилоятини деярли 50 йил бошқарган.

Ҳукмдор адабиёт шайдоси бўлиб, ҳисоб ва тарих фанлари рисоғига ҳомийлик қилган. У Тожи Салмоний ва Ҳофиз Абрўларга тарих асарлари ёздирган. Саккокий, Лутфий, Дурбек ва Сайид Аҳмад каби туркиғўй шоирларни қўллаб-қувватлаган.

ТУРК СУЛТОНИНИНГ МАКТУБИ

Соҳибқирон қурган давлат шаъну шавкатига ҳурмат унинг ўғли Шохрух Баҳодур даврида баланд бўлиб қолди. Шохрух Мирзонинг давлати ғарбда Рум диёридан – шарқда Хитой ҳудудигача, шимолда Сирдарё қуйилишидан – жа-



Адабий мерос ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ ШОҲБАЙТЛАРИ

ЭШИТГИЛ, ЭЙ УЛУСНИНГ ПОДШОҲИ,
ЕТИМЛАРНИНГ БУ КУН ПУШТУ ПАНОҲИ.

Сайид АҲМАД.

Амир Темурнинг кенжа ўғли

ШОҲРУХ МИРЗО 1377 ЙИЛ 20 АВГУСТ КУНИ ДУНЁГА КЕЛГАН. УНИНГ ОНАСИ ТАҒОЙ ТУРКОН ОҒО ТУРКИЙ ҚОРАХИТОЙ УРУҒИДАН БЎЛИБ, КЕЛИБ ЧИҚИШИ БЎЙИЧА ЎРТАҲОЛ ХОНАДОН ВАКИЛАСИ ЭДИ. 1383 ЙИЛДА ШОҲРУХНИНГ ОНАСИ ВАФОТ ЭТАДИ.

Шохрух ёшлигидан илмга берилган шахзода бўлган. Тарихчилар Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий ва Хондамир ўзларининг асарларида Шохрух Мирзони “хоқони сайид”, “баҳодир”, дея таърифлашган.

Амир Темурнинг васиятига содиқ қолишга қасамёд қилган шахзодалар ҳали улугъ Амирнинг жасади совимасданок, берган ваъдаларидан юз ўгириб, тожу тахт учун кураш бошлаб юбордилар. Натижада не-не заҳматлар ила Амир Темур томонидан бунёд этилган улкан салтанат чок-чокидан сўкилиб, таназзул томон юз тутта бошлады.

Тахт вориси, Қобул ва шимолий Ҳинд мулкларининг ҳокими бўлмиш Пирмуҳаммаднинг кўпчилик тахт эгаси сифатида кўришни хоҳламас эди. Бунинг устига у анча узокда бўлиб, Самарқандга тезлик билан етиб келиши учун имкон ҳам йўқ эди.

Кўплаб сарой мулозимлари тахт эгаллигига кўпроқ Шохрухни маъқул қўриб, унинг инсоний сифатларига юқори баҳо беришган. У тахт эгаси бўлишидан аввалроқ ҳам ўзининг оқиллик ва илмлилик, зукколик ва тақводорлик сифатлари билан ҳурмат қозонган эди.

Ўзаро тахт таллашиш оқибатида валиахд Пирмуҳаммад 1407 йилда вафот этади. 1408 йил 22 апрель куни эса Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон ерларининг ҳукмдори тахт учун бошқа бир даъвогар Мироншоҳ ҳам жанг вақтида ўлдирилиди. Фақатгина Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзо ҳаёт бўлиб, у ўз олдига отаси қурган улкан салтанатни қайта оёққа турғазини

мақсад қилган эди.

Шохрух Мирзо Самарқанд тахтини кўлга киритгач, Мовароуннахрга 15 ёшлик

ўғли Мирзо Улуғбекни ноиб этиб белгилайди.

Шохрух ўғли Улуғбекни ҳали ёш эканлигини инобатга

олиб, ўғлига оталиқ этиб таниқли амир

Шоҳмаликни тайинлайди. Ўша вақтда сиёсий бошқарув ишлари амалда оталиқнинг


қўлида бўлган. Шундан сўнг, Шохрух Мирзо Ҳиротга қайтиб кетади.

Шохрух Мирзо Амир Темур давлати ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлады. У мамлакат бошқарувида темурийзода

ва нуфузли амалдорлардан аксариятини ўзи учун ишончсиз, деб ҳисоблайди. Уларнинг ўрнига деярли барча вилоятларга ўз ўғиллари, набиралари ва ўзига

яқин тутган қон-қариндошларини ноиб этиб тайинлайди.

Шохрух Мирзонинг ҳукмронлик даврида Хитой, Ҳиндистон, Миср, Усмонийлар



империяси билан дипломатик алоқалар мустаҳкамланади. Шохрух 1419 йилда Амир Шодихўжа бошчилигида 500 нафар элчилик карвонини Хитойга жўнатади. Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида ёзи-

КЕЙИНЧАЛИК ШАҲЗОДАНИНГ ТАРБИЯСИ БИЛАН САРОЙМУЛКХОНИМ ШУҒУЛЛАНАДИ. ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ 1397 ЙИЛДАН БОШЛАНАДИ. ЎША ЙИЛИ У ОТАСИ ТОМОНИДАН ХУРОСОН ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНАДИ.

шича, 1412 йилдан 1430 йилга қадар Хитой билан жами беш маротаба элчилик алмашинуви бўлган экан.

Шохрух даврида Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилаётган мамлуклар

давлати, Олд Осиёдаги Усмонийлар империяси билан

ҳам ўзаро дўстона муносабатлар йўлга қўйилган. Тарихчи Ҳофиз Абрў

ўзининг “Зубдат ат-таворих” асарида Шохрухнинг Миср

подшосига элчи юбориб, 1444-1445 йилларда Шайх Нуриддин Муриддий

бошчилигида Маккага Каъба устига ёпинғич – каъбапўш

жўнатганлигини қайд этган. Шохрух Мирзо Усмонийлар сул-

тони Мухаммад Чалабийга (1402-1421) мактуб йўллайди. Бу номада Шохрух,

агар Қора Юсуфни Усмонийлар мамлакатига кўргудек бўлса, уни Темурийлар саройига жўнатиб юборишини сўрайди. Бу мактубга жавобан Усмонийлар сул-

тони Қора Юсуфни, албатта, Темурийлар саройига юборишини айтди.

Ўтмишда ўтган тарихчилар Шохрух Мирзони табиатан олижаноб ҳукмдор, илм-фанга мойил маърифатпарвар давлат арбоби, деб таърифлашган. У ҳокимият тепасига келгач, Эронда ҳам, Туронда ҳам бир неча ўн йиллик давомиде тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Унинг даврида темурийлар салтанатининг пойтахти Ҳиротга кўчирилади. Ҳирот шаҳри Шарқнинг энг қўркам ва маданий ривож топган шаҳарларидан бирига айланади. Шохрух Мирзонинг ҳукмронлик даврида Темурийлар салтанатида Уйғонмиш даври давом этиб, мамлакатда санъат ва фан гуллаб-яшнади.

Шохрух Мирзо инсон сифатида юмшоқ табиатли бўлганлиги туфайли хотини Ғавҳаршодбегим салтанат бошқарувида аралашиб турган. Шу сабабдан бўлса керак, Шохрух Мирзо умрининг охирига қадар ўз ўрнига валиахд тайинлаш масаласида бир қарорга кела олмаган.

Шохрухнинг кексايиши билан тожу тахт учун яна темурий шахзодалар ўртасида зимдан кураш пайдо бўла бошлайди. Улуғбекнинг онаси Ғавҳаршодбегим сиёсий ишларга фаол аралашиб, у асосан невараси Алоуддавлани тахт вориси сифатида кўришни истар эди. Тахт учун бошланган кураш, айниқса, 1444 йил Шохрух Мирзо хаста бўлиб қолганида авж олади. Шохрухнинг бевоблигидан фойдаланган Форс ва Ироқ ноибни Султон Мухаммад бобосига қарши кўзғолон кўтарди. Шохрух Мирзо бу исёни бостириб, ортага қайтаётганда – 1447 йил 12 март куни Эроннинг шимолидаги Рай вилоятида вафот этади.

Сардор Али НУРМАТОВ.

Толибжон НОСИРОВ.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetolari tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11768.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14	
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. Адади: 2068 нусха.	★ Баҳоси келишилган нархда. ★	Навбатчи муҳаррир: Махияра Бойбобоева.	Босингга топириш вақти: 16.00.
				Топширилди: 15.00.

ISSN 2010-8370

9 772010 837006